Гус Хиддинк бизнесменлар мамлакати - Нидерландиядан келди. Бизнесменнинг нутк махорати бўлмаса, кандай фойда кўради? Шу сабабли нидерландларнинг кўпчилиги бир нечта чет тилида бемалол гаплаша олади. Бу уларнинг хаёт тарзига айланиб колган. Энг мухими, нуткий усталик. Нотиклик билими овкат столидан бошланади. Кандай дейсизми? Бунинг учун Гус Хиддинкнинг "овкатланиш вакти" усулини кўллаб кўринг...

Хиддинк миллий терма жамоамизда бош мураббий бўлиб ишлаб юрган кезларда мамлакатимиз футболчиларини кўриб, энг хайрон бўлган нарсаси - бир-бирлари билан арзимаган нарсалар хакида сухбатлашиб туришганлигини эътироф этди. У ўн бир футболчи бир тан, бир иродага айланиб югуришса хам узоклашиб, хавфли вазиятда хаммаси айри холда харакат килганда канчалик ташвишга тушганини тасаввур килиш мумкин. Шунинг учун тартиб ўрнатиш максадида футболчиларга овкатланиш вактини бир соатдан килиб белгилаб кўйди. Бу вакт мобайнида телефон килиш мумкин эмаслигини айтди. Футболчилар бошида нўноклик килишди ва тез орада жахл билан шовкин сола бошлашди. Табиийки, бу холатда футболчилар бирлашиши юзага келди.

Хиддинк Жахон Чемпионатига санокли кунлар колганида телевидение оркали интервю берди. "Европалик футболчилар болалигидан максадни аник белгилаб олиш фанини ўрганишади. Бундай тарбия хатто таълим дастурига киритилган.Бу футболчилар ўйлаган нарсанинг иложини топишда, амалга оширишда кўл келади. Дастлаб, корейс футболчиларининг тортинчоклиги кўпрок эди. Оъзларининг мулохазасини ойдинлаштиришдан кўркишарди. Мен жамоадагиларнинг фикрларини билиш мухим, деб ўйладим", деди Гус Хиддинк. У бу гапларини ахамиятли тарзда ургъулади. Бирок биз журъатли мураббийга нима дейишни билмай колдик. Унинг сўзларини жимгина тингладик. Биз футболни билардик. Ўйлаб карасак, факатгина футболни билишнинг ўзи камлик киларкан. Биз кучли терма жамоалар тўртлигига кириш учун кўллаган "овкатланиш вакти" усули кандай экан?

Отабек Йўлдошев таржимаси